

№ 05-сонли пудрат шартномаси

2022 yil. «4»11

536-3-44-IB/2022-son

O`smat shaharchasi

EXPENSIVE 007 MCHJ (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **М. Мамедова** ва **Бахмал туман ирригация бўлими** (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари **А.Турсунбоев** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

ЛОТ: № 22110012164563 17.10.2022 йил.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Бахмал туман ирригация бўлими тасаруфидаги Бахмал туманидаги Танготар каналини ПК 25+00 дан ПК 65+00 гача, Тараққиёт каналини ПК 00+00 дан ПК 20+00 гача ва Нушкент каналини ПК 160+00 дан ПК 186+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари.

1.3 Буюртмачи ва пудратчининг ваколатли вакиллари томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш ва топшириш туғрисидаги молиявий ҳужжатлари (Форма-2, Форма-3, ҳисоб - фактура ва бошқа ҳужжатлар) имзоланганидан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: 2022 йил 27 октябрдан 2022 йил 30 ноябргача
Шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин шартнома қийматининг **30%** миқдорида бунақ туловларини амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблаш ишлар тартиби

2.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича умумий қийматнинг **30%** аванс утказиши, қолган қисми бажарилган иш буйича туланади. Мазкур шартноманинг баҳоси 72 999 999 (Етмиш икки миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўмни ташкил қилади.

2.2 Ушбу шартнома буйича тулов пул утказиши йўли билан тулов топшириқнома асосида амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи умумий шартнома қийматининг **30%** миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 20 (йигирма) банк кун муддатдан кечиктирмасдан **70%** туловни амалга оширади.

3.1 Мазкур шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга кириши ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

4.1.2. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

4.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

4.1.4. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

4.1.5. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 15 кун ичида текинга бартараф этиш.

4.1.6. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чоратadbирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.7. Ишларни шахсан бажариш.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.2.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 3 кун ичида ёки мазкур шартномада кўрсатилган ишларни натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилишда шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

4.3.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 2.1 -бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 10 % микдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Кафолатлар

6.1. Пудратчи:

- ✓ Барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ✓ Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларини сифатли бажаришни;
- ✓ Ўзи томонидан капитал таъмирлаш учун қулланаладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, контсрукция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ✓ Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилиш;
- ✓ Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

6.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар капитал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган-қундан бошлаб қаида 12 ой этиб белгилайди.

6.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, уларни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имкони бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш давригача узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

6.4 Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектурулишназорат” инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

8.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ва/да қилиш,

та’мағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хаттиҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хаттиҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини та’минлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб ма’лум қиладилар.

8.2. Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилоят Иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қиритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сунг кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

10.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

10.4. Пудратчи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

10.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

10.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

11. Якуний қоидалар

11.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан ва Ғазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

11.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

11.3 Шартномагаилова:

12. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»

Бахмал туман ирригация бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Бахмал туман Уснат ШФЙ
Тел./факс 93-940-52-12
ш/х* 100022860082047042402170001
Банк номи Марказий банк ББХКМ Тош. Шахар
МФО 00014 СТИР 305083463
ОКОНХ 22100
Ғазначилик бўлими номи. Ўзб-н Рес-си Молия
Вазирлиги Ғазначилиги ягона ҳисоб варағи
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк ББХКМ Тошкент шаҳар
МФО 00014
ғазначилик бўлими номи СТИРи 201122919

«Пудратчи»

EXPENSIVE 007 MCHJ

(номи)

Манзил: Бахмал тумани Х.Олимжон кучаси 15 уй
Телефон: 977942089
ҳисоб рақами 20208000405535361001
БАХМАЛ Т., АТ ХАЛҚ БАНКИ БАХМАЛ ФИЛИАЛИ
Банк коди: 00681 СТИР: 309622904
ОКОНХ: _____

Раҳбар



А.Турсунбоев

Раҳбар



М. Мамедова

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

YR1068124147

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Baxmal tumani irrigatsiya tizimlari havza bo'limi tomonidan 02.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Baxmal tumani
yuridik markaz
markaz rahbari:**



Z.T.XOLJIGITOV

03.11.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 164563 на приобретение Бахмал туманидаги Танготар каналлини ПК 25+00 дан ПК 65+00 гача, Тараққиёт каналлини ПК 00+00 дан ПК 20+00 гача ва Нушкент каналлини ПК 160+00 дан ПК 186+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 24.10.2022

Время рассмотрения 24.10.2022 19:47

Закупочная комиссия Бахмал туман ирригация булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TURSUNBOYEV AKROM UROLOVICH	Бошлик	Бахмал тумани ирригация булими
Секретарь комиссии	O'RAZOV DILMUROD MIRZAAXMEDOVICH	Ирригация тизими ва сугориш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда таъмирлашни ташкил қилиш шубаси	Бахмал тумани ирригация булими
Член комиссии	ERGASHEV SARABEK NARZULLAYEVICH	Техник гидротехник	Бахмал тумани ирригация булими
Член комиссии	BARATOV AKRAM ABDUMAJIDOVICH	Мухандис гидротехник	Бахмал тумани ирригация булими
Член комиссии	TOJIYEV BAXTIYOR XAMROQULOVICH	Бош гидротехник	Бахмал тумани ирригация булими
Член комиссии	ERGASHEV KAMOL MUXITDINOVICH	Бухгалтер	Бахмал тумани ирригация булими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.10.2022 года № лота 164563.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию водохозяйственных систем и сооружений
Подробное описание	Бахмал туман ирригация булими тасаруфидаги Бахмал туманидаги Танготар каналлини ПК 25+00 дан ПК 65+00 гача, Тараққиёт каналлини ПК 00+00 дан ПК 20+00 гача ва Нушкент каналлини ПК 160+00 дан ПК 186+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	106 592 563.00
Стартовая сумма	106 592 563.00

Валюта UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IBROHIM STROY STAR MCHJ	25	Малумот такдим килинди	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	25	маълумотлар илова қилинади	20	Экспертная		
ООО QURUVCHI YORBEK	25	жамиятимизда 10 га курилиш ва таъмирлашга мулжалланган махсус техникаларимиз мавжуд	20	Экспертная		
EXPENSIVE 007 MCHJ	25	Илова килинди	10	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	25	Илова киланади	20	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IBROHIM STROY STAR MCHJ	25	Малумот такдим килинди	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	25	маълумотлар илова қилинади	20	Экспертная		
ООО QURUVCHI YORBEK	25	Жамиятимиз молиявий ахволи яхши	20	Экспертная		
EXPENSIVE 007 MCHJ	25	Илова килинди	17	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	25	Илова киланади	20	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IBROHIM STROY STAR MCHJ	25	малумот такдим килинди	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	25	маълумотлар илова қилинади	20	Экспертная		
ООО QURUVCHI YORBEK	25	Жамиятимизда 3 та доимий иш билан таъминларган хамда 20 дан ортик мавсумий ишчи ходимларимиз иш фаолиятини олиб боради	25	Экспертная		
EXPENSIVE 007 MCHJ	25	Илова килинди	17	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	25	Илова киланади	15	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IBROHIM STROY STAR MCHJ	25	Малумот такдим қилинди	20	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	25	маълумотлар илова қилинади	20	Экспертная		
ООО QURUVCHI YORBEK	25	Жамиятимиз шу бугунга кадар хам шунга ухшаш ишларни сифатли бажариб келган.	20	Экспертная		
EXPENSIVE 007 MCHJ	25	Илова килинди	17	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	25	Илова киланади	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО QURUVCHI YORBEK	106 592 563.00	104 000 000.00 UZS	104 000 000.00	00.00	104 000 000.00	24.10.2022 09:39:23	70.19231

GIDROSTROY YUG MCHJ	106 592 563.00	89 092 563.00 UZS	89 092 563.00	00.00	89 092 563.00	24.10.2022 12:41:17	81.93725
EXPENSIVE 007 MCHJ	106 592 563.00	72 999 999.00 UZS	72 999 999.00	00.00	72 999 999.00	24.10.2022 11:53:16	100
OUS-MAXBUILDING MCHJ	106 592 563.00	89 521 321.00 UZS	89 521 321.00	00.00	89 521 321.00	23.10.2022 11:26:54	81.54482
IBROHIM STROY STAR MCHJ	106 592 563.00	86 900 000.00 UZS	86 900 000.00	00.00	86 900 000.00	21.10.2022 18:22:48	84.0046

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО QURUVCHI YORBEK	Прошел	70.19231	70.19231
GIDROSTROY YUG MCHJ	Прошел	81.93725	81.93725
EXPENSIVE 007 MCHJ	Прошел	100	100
OUS-MAXBUILDING MCHJ	Прошел	81.54482	81.54482
IBROHIM STROY STAR MCHJ	Прошел	84.0046	84.0046

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 164563 от 24.10.2022 года на приобретение Бахмал туманидаги Танготар каналлини ПК 25+00 дан ПК 65+00 гача, Тараққиёт каналлини ПК 00+00 дан ПК 20+00 гача ва Нушкент каналлини ПК 160+00 дан ПК 186+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари определила победителем:

EXPENSIVE 007 MCHJ
309622904

и резервный исполнитель: IBROHIM STROY STAR MCHJ (308655824)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	TURSUNBOYEV AKROM UROLOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV SARABEK NARZUŒLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BARATOV AKRAM ABDUMAJIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	TOJIYEV BAXTIYOR XAMROQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV KAMOL MUXITDINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**164563 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

04.11.2022 19:46

Комиссия раиси:

TURSUNBOYEV AKROM UROLOVICH